

## Самарқанд вилояти ҳокимлиги Маданият бошқармаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги “Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4956-сон Фармони ҳамда 2017 йил 15 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2778-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги фаолияти тугатилиб, унинг негизида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва ҳудудий бошқармалари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2778-сон қарори билан Самарқанд вилояти Маданият бошқармасининг структураси ташкил этилди.



**Вилоят ҳокимлиги Маданият бошқармасига 12 штат бирлиги ажратилган.**

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2017 йил 18 мартдаги 46-сонли буйруғи билан ишлаб чиқилган **Маданият бошқармаси Низомига асосан** соҳада давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича **қуйидаги асосий вазифа ва фаолият йўналишлари белгиланган:**